



ЎЗБЕКИСТОН ВА АСЕАН ДАВЛАТЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ АҲАМИЯТИ

Абдурахмонов Муҳиддин Раҳматжон ўғли

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

E-mail: mukhiddin1999@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7964848>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 18-May 2023 yil

Ma'qullandi: 20-May 2023 yil

Nashr qilindi: 24-May 2023 yil

KEY WORDS

экспорт, импорт, ТИФ,
шартнома, тараққиёт..

ABSTRACT

Ушбу мақолада Жаҳон бозорига фаол чиқиб боришда ташқи ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг аҳамияти ўрганилган. Бундан ташқари, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётида АСЕАН давлатлари билан алоқаларнинг аҳамияти, ўрни ва роли очиқ берилган

Халқаро интеграциянинг ривожланиши – бу турли мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар байналминлашувининг қонуний натижаси бўлиб, ҳозирги босқичнинг ўзига хос хусусияти интеграцияланган гуруҳларнинг кенгайиши ва ҳамкорликнинг янги шаклларига ўтилиши билан характерланади. Халқаро интеграция табиатини ўрганиш ривожланиб бораётган дунёдаги энг муваффақиятли гуруҳлардан бири сифатида эътироф этилган ўнта, яъни – Сингапур, Малайзия, Индонезия, Филиппин, Таиланд, Бруней, Вьетнам, Мьянма, Лаос ва Камбоджа каби мамлакатларни ўзида бирлаштирган Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари уюшмаси (АСЕАН)¹ фаолиятини таҳлил қилиш учун хизмат қилади. Бугунги кунда АСЕАН нафақат ривожланаётган мамлакатлар, балки бутун дунёда энг обрўли ва жадал ривожланаётган кўп йўналишли ҳамкорлик ташкилотига айланган. Бу борада ушбу мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий соҳаларда ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамият касб этаётганлиги билан белгиланади.

Жаҳон миқёсида кучларнинг қайта тақсимланиши ва глобаллашув таъсири остида ўсиб бораётган рақобат туфайли, халқаро интеграция жараёнинг анъанавий илмий тушунчаларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, интеграция жараёнларнинг шаклланиши ва ривожланиши нисбатан узоқ даврни қамраб олади. Бугунги кунда давлатлар ўз салоҳияти ва ривожланиш даражасидан қатъий назар, интеграциялашув жараёнини халқаро майдонда ўз нуфузини ошириш, миллий манфаатларини янада кучлироқ ҳимоя қилиш имконияти сифатида кўришмоқда, шу сабаб интеграция жараёнларини ҳар томонлама комплекс таҳлил қилиш зарурияти сезилмоқда.

«Интеграция жараёнлари борган сари нафақат минтақаларнинг ички

¹ АСЕАН (Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари Уюшмаси) - 1967 й. ташкил топган, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларини бирлаштирувчи минтақавий ҳукуматлараро ташкилот.

мақсадлари, балки ташқи муҳитнинг ортиб бораётган талаблари, кучайиб бораётган халқаро рақобат билан ҳам белгиланмоқда. Халқаро интеграция мафқурасининг ўзи ўзгармоқда, авваллари аъзо мамлакатларнинг хўжаликларини яқинлаштиришни мақсад қилган минтақавий ташкилотларнинг ўзи глобал макон иштирокчисига айланмоқдалар, интеграция эса минтақаларнинг дунё хўжалигига интеграциялашуви сифатида тушунилмоқда»². Бугунги кунда интеграциядан янги, янада кучли ва жаҳон бозорида рақобатбардош бирликлар – интеграция блокларини ташкил этиш мақсадида фойдаланиш лозим. Бу борада 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатимизнинг халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатидаги ўрни ва ролини ошириш, Ўзбекистон Республикасининг теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш, ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятни норматив-ҳуқуқий базасини ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш зарурати алоҳида қайд этилган³.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5046-сонли Фармони, 2016 йил 22 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-489-сонли Фармони, 2017 йил 7 февральдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони, «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти концепцияси» (2012), «Ўзбекистон Республикасининг муҳофаа доктринаси тўғрисида»ги қонуни (2018) ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада амалга оширишга хизмат қилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тадқиқот мавзуси бўйича ўрганилган нашрларни бир неча гуруҳга бўлиш мумкин: Биринчи гуруҳга Жанубий-Шарқий Осиё (ЖШО) интеграция жараёнлари ва АСЕАН ташкилоти ривожланиш босқичларини ёритган муаллифларнинг илмий ишларини киритиш мумкин. Мамлакат ва чет эл тарихшунослигида АСЕАН ташкил топиши, интеграцияси ва шаклланиши масалалари, ЖШОдаги тез ўзгарадиган сиёсий ва иқтисодий вазият ҳисобга олинadиган бўлса, етарлича ўрганилган, қизиқарли ва шу билан бирга мураккаб ҳисобланади. Мамлакатимиз олимлари А.А.Шарапов⁴, Г.С.Саидазимова ўз тадқиқотларида Осиё-Тинч океани минтақасидаги геосиёсий вазиятни ва сиёсий жараёнларни ўрганганлар. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, А.А.Шарапов АСЕАН мамлакатларини тадқиқ қилишни ўз олдига мақсад қилмаган, балки Хитой, Япония ва Жанубий Корея ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10 ноябрьдаги Самарқанд шаҳрида ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. <http://press-service.uz/ru/lists/view/1227>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февральдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

⁴ Шарапов А.А. Осиё Тинч океани минтақаси давлатлари ва Ўзбекистон Республикаси муносабатлари// Сиёс. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – Б. 30.

таҳлил қилишга ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси билан ўзаро муносабатлари йўлга қўйилишига алоҳида эътибор берган. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети олимларининг биргаликдаги монографияси⁵ ҳам катта қизиқиш уйғотади. Унда ОТМ мамлакатларида интеграция жараёнлари ўрганиб чиқилган. Шарқшунослик бўйича етакчи олимлар ўз илмий ишларида АСЕАН фаолиятининг турли жиҳатларига алоҳида эътибор қаратишган. Улар ичида Н.П.Малетин, Л.В.Гладченко, Л.А.Аносова, К.А.Арамян, Э.С.Гребенщиков, А.А.Карчава, А.Л.Лукин, Г.М. Костюнина⁶, А.С.Воронин, Д.В.Мосяков⁷, Е.С.Журавлева⁸ каби олимларнинг илмий ишларини алоҳида таъкидлаш зарур. Иккинчи гуруҳга хориж олимларининг бир қатор илмий ишлари киради⁹.

АСЕАНга аъзо айрим давлатларнинг сиёсати шаклланиши масалалари ўрганилган илмий ишлар алоҳида гуруҳни ташкил этган. Улар ичида, Г.М.Маслов, В.Ф.Урляпов, Г.С.Яскина, Л.А.Аносова, Л.Ф.Пахомованин¹¹, шунингдек мамлакатимиз олимлари Н.Сиражиддинов, П.С.Азизханова, Ф.У.Усаров, Ч.Ш.Кучаров, И.Джураев, А.Бобоев, А.Г.Худойбердиев, А.А.Шарапов, А.Киргизбоев ишларини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Шу билан бирга АСЕАН мамлакатлари фаолиятининг турли жиҳатларига бағишланган кўплаб тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, бугунги кунда мамлакатимиз тадқиқотчиларининг айрим АСЕАН мамлакатларидаги зиддиятлар ва ривожланиш истиқболларини комплекс ўрганишга бағишланган тадқиқот ишлари етишмаслиги маълум бўлмоқда.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот ишини амалга оширишда Осиё-Тинч океани минтақаси замонавий халқаро муносабатларда АСЕАН мамлакатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқалари асосий тадқиқот объекти бўлиб танлаб олинди. Шунингдек, халқаро савдода Ўзбекистон ва АСЕАН мамлакатлари олиб бораётган икки томонлама ва кўп томонлама форматдаги иқтисодий алоқаларнинг асосий йўналишлари таҳлил қилинди. Тадқиқотда гуруҳлаш ва қиёсий таҳлил усулларида ҳам фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда янги дунё тартиби юзага келиши жараёни давом этмоқда ва янги таъсир марказлари белгиланмоқда, иккита асосий, параллель кечувчи, аммо моҳиятан қарама-қарши тенденция кузатилмоқда, булар: интеграция ва фрагментация (ёки дезинтеграция). Бироқ, глобаллашув билан бир қаторда, интеграция асосий тенденция ҳисобланади ва давлатларнинг минтақавий бирлашмалари шаклланаётган кўп қутбли дунё тизимида сиёсий таъсир ўтказиш марказига айланишга қодир ва айланмоқда.

Жануби-Шарқий Осиёда кечаётган интеграция жараёнларининг ўзига хос

⁵ Интеграционные процессы в странах АТР и их опыт для Узбекистана. Ташкент: УМЭД, 2009.

⁶ Малетин Н.П. АСЕАН: Четыре десятилетия развития: Монография. Моск. гос. ин-т. междунар. отношений (ун-т) МИД России, каф. востоковедения. – М.: МГИМО-Университет, 2007. – С. 312; Л.В. Гладченко. Проект «Сообщество АСЕАН»: проблемы региональной интеграции на современном этапе. // Проблемы национальной стратегии №4 (37) 2016, – С. 121-137;

⁷ Воронин А.С. АСЕАН. Испытание на прочность // Азия и Африка сегодня. № 8. 2009;

⁸ Журавлева Е. С. АСЕАН и Япония в период финансового кризиса в Юго-Восточной Азии // История и современность. №4. 2012. – С.117-122

⁹ Bruno Jetin and Mia Mikic. ASEAN Economic Community A Model for Asia-wide Regional Integration? PALGRAVE MACMILLAN. – London, 2016. – P. 350;

хусусияти – уларнинг турли хиллиги ва ноёблиги. Интеграция ёрдамида ва давлатлар ўртасида ҳамкорлик мустақамланиши орқали, савдо тўсиқлари олиб ташланганидан сўнг харажатлар камайиши ва нархлар тушиши, рақобат кучайиши, бозор сиғими ортиши ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари оптимизация қилиниши, маъмурий харажатлар қисқариши, минтақавий ҳамкорлик доирасида унумли тақсимот туфайли муайян иқтисодий натижаларга эришиш мумкин. Шу билан бирга, интеграция зиддиятларга бой ва сиёсий жиҳатдан мураккаб жараён, чунки унинг натижалари давлатлар ўртасида анча номуносиб тақсимланади, ҳатто заифроқ давлатларнинг бирлашма доирасидаги ҳуқуқлари поймол этилиши мумкин. Аммо, узоқ истиқболда интеграциянинг устун томонларини давлатлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Жануби-Шарқий Осиё минтақасининг барча давлатларини қамраб олувчи (Шарқий Тимор бундан мустасно), энг самарали минтақавий бирлашмаларидан бири сифатида эътироф этилган АСЕАН ташкилоти, 2,5 триллион долларлик ялпи ички маҳсулотга эга бўлиб бу ўз навбатида унга, жаҳон миқёсида жадал суратлар билан ўсиб бораётган истеъмол талабининг глобал марказига айланиш имконини берди (жаҳон импортининг 5%). Тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, барқарор ривожланиш ва фаровонликни таъминлаш учун АСЕАН давлатлари қўйидаги йўналишларда ҳамкорликни фаоллаштиришга ҳаракат қилмоқдалар:

глобаллашув жараёнларида самарали иштирок этиш;

минтақада ҳамкорликни тобора фаоллаштириш;

барча аъзо давлатлар глобаллашувдан эквивалент фойда кўришлари кафолатланиши;

мустақиллик, тенг ҳуқуқлилиқ ва аъзо давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларини ҳимоя қилиш.

Хулоса ва таклифлар

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ташқи иқтисодий стратегиясида Жануби-Шарқий Осиёда юз бераётган интеграция жараёнларини, ушбу минтақа келажакда дунё иқтисодиётида нуфузли ўринни эгаллаши мумкинлигини ҳисобга олиши ва минтақада ўз манфаатларини таъминлашга ҳаракат қилиши зарур. Ўзбекистон Республикаси Жануби-Шарқий Осиёда олиб борадиган ташқи сиёсатининг вазифалари бир неча устуворликлардан келиб чиқиб белгиланган: биринчи навбатда, дунё бозорига чиқиш учун мамлакат фойдасига хизмат қиладиган ташқи шароитлар яратиш; иккинчи навбатда, Ўзбекистон Республикасининг халқаро обрўсини ошириш учун зарур шароит яратиш, ОТМ мамлакатларини Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлардан, туристик бизнесни ривожлантириш борасида АСЕАН давлатларининг тажрибасини ўзида татбиқ этишга тайёрлигидан бохабар қилиш. Малайзия, Индонезия ва Сингапур Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти ва Қўшилмаслик Ҳаракати учун катта аҳамиятга эга давлатлардир. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон ислом дунёсининг бир бўлаги бўлган АСЕАН давлатлари тажрибасини қўллаши ва ушбу мамлакат аҳолиси учун Ўзбекистоннинг эътиборга лойиқ тарихий обидаларига зиёрат сафарлари уюштириши мумкин.

Ўзбекистон Республикасини АСЕАН га аъзо 10 та давлатдан фақатгина Индонезия, Малайзия, Сингапур, Вьетнам давлатлари билангина савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик бўйича халқаро ҳужжатларга эга эканлигини инобатга

олиб, республикани уюшмага аъзо давлатлардаги дипломатик ваколатхоналарини АСЕАН давлатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишни шартнома-ҳуқуқий асосларини шакллантириш бўйича фаолиятини жадаллаштириш лозим. Минтақа ичидаги жараёнларда бошқа ташқи қатнашчилар билан бир қаторда АСЕАН давлатлари ҳам мувозанатли иштирок этишини кафолатлаш мақсадида, уларнинг Марказий Осиёдаги манфаатларини тенглаштириш минтақа давлатлари ва АСЕАН давлатлари ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг асосий линияси бўлиши мумкин.

Фойаланилган адабиётлар:

1. АСЕАН (Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари Уюшмаси) - 1967 й. ташкил топган, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларини бирлаштирувчи минтақавий ҳукуматлараро ташкилот.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 10 ноябрдаги Самарқанд шаҳрида ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. <http://press-service.uz/ru/lists/view/1227>.
3. Шарапов А.А. Осиё Тинч океани минтақаси давлатлари ва Ўзбекистон Республикаси муносабатлари // Сиёс. фан. номз. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – Б. 30.
4. Интеграционные процессы в странах АТР и их опыт для Узбекистана. Ташкент: УМЭД, 2009.
5. Малетин Н.П. АСЕАН: Четыре десятилетия развития: Монография. Моск. гос. ин-т. междунар. отношений (ун-т) МИД России, каф. востоковедения. – М.: МГИМО-Университет, 2007. – С. 312;

INNOVATIVE
ACADEMY